
ФАРҒОНА ШАҲРИДА "COMPASS HOSPITAL" ХУСУСИЙ ТИББИЁТ КЛИНИКАСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Фарғона шаҳрида тиббиёт йўналишида йирик лойиҳа амалга оширилиб, "Compass hospital" хусусий тиббиёт клиникаси фойдаланишга топширилди. Мазкур замонавий саломатлик масканининг очилиши катта шодиёнага айланди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар аввало инсон манфаати, қадри учун хизмат қилаётганини таъкидлаб, сўнгги йилларда хусусий тиббиёт жадал ривожланаётганини қайд этди. Вилоятимизда ҳам улар сони тобора ортиб, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошаётганлиги, замонавий тиббий жиҳозлар келтирилиб, соҳада илғор тажрибалар қўлланилаётганлиги мамнуният билан тилга олинди. Хусусан, мазкур клиника ҳам ана шу ишларнинг узвий давомидир.

Шаҳарнинг Қомус кўчасида Зафаржон Асқаров ташаббуси билан фойдаланишга топширилган "Compass hospital" хусусий тиббиёт масканида кунлик 300 дан зиёд беморга амбулатор хизмат кўрсатилади. 88 та стационар ўрин жойлари мавжуд. Бу ерда 120 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ушбу хусусий муассасани барпо этиш ва зарур тиббиёт аппаратуралари билан жиҳозлаш учун 8 млн. доллардан ортиқ маблағ сарфланди. Эътиборли жиҳати, бу ерда нейрохирургия, офтольмология, гинекология, урология, хирургия, травматология, кардиология каби касалликлар даволанади. 200 дан ортиқ жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш имкони мавжуд. Эксимер лазер, кўз тупи учун микроскоп, эндоскопик операция учун замонавий жиҳозлар ўрнатилди.

Меҳмонлар тиббиёт масканида яратилган шароитлар, ўрнатилган замонавий тиббий жиҳозлар билан танишдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-09-14 21:10:58